

1930 йил  
12 майдан  
чиқа  
бошлаган



# ИДСИНГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ



№ 58 (3288)



1999 йил 21 май, жума



Баҳоси эркин нархда



Бош муҳаррир минбари

## КОНУН УСТУВОРЛИГИ ШАРОИТДА ЯШАШГА ҮРГАНАЙЛИК

Яқинда эски-танишларимдан бири менга кўнгироқ килиб, ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг ташвиши оҳангда шундай деди:

— Йўл ҳаракати қоидасини бузганим учун ДАН ходими ҳайдовчилик гувоҳномамни олиб кўйди ва бу ҳақда тузилган баённома судга юборилишини айтди. Суд идораларига шу пайтгача сира ишим тушмаган. Бор-йўғи унч аҳамияти бўлмаган қоидабузарликка йўл қўйгандим. Илгари бундай ҳолларда жарима солиш билан кифояланышарди. Очиги, энди нима қилишга ҳайронман.

Танишимга айтиладиган жавоб тайин. Ҳозир ҳар биримиз қонун устуворлиги шароитда яшашга ўрганишимиз зарур. Барча ҳатти-ҳаракатларимиз амалдаги қонунчилик доирасида бўлиши учун ўзимизни тайёрлаб боришимиз лозим.

Танишим йўл ҳаракати қоидасини бузганилиги учун жазоланишидан ташвишига тушаётгани кўриниб турибди. У ҳатто қанча миқдорда жарима тўлашини ҳам билади. Азият чекаётганининг яна бир сабаби унинг иши судда кўрилишадир.

Бунга эса биз ҳали кўнникканимизча йўқ. Кўп масалалар "телефон орқали сим қоқиш" усулида ҳал этилган эски мустабид тузумдан қолган меросдан ҳануз омма ҳалос бўлгани йўқ.

Яратганга шукрлар бўлсинки, бундай даврлар ортда қолди.

Мустақил Ўзбекистонда барча йўналишларда қонун устун бўлгани ҳуқуқий демократик жамияти курилмоқда.

Шу улуг мақсадга эришиш учун аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёш авлоднинг ҳуқуқий тарбиясини кучайтириш, мамлакатда қонун устун бўлган мухитни яратиш каби мухим вазифаларни амалга оширишимиз лозим.

Айнан шундай вазиятни юзага келтириш барчамиздан ҳуқуқий жамият қарор топган ҳаётга тезрок кўниши, танишиблишга ёки тепада турган бошликларга ишониб эмас, балки амалдаги қонунчилик бўйича ҳаракат қилишимизни талаф эта-ди.

Ҳуқуқий онгимизни муттасил ошириб боришимиз зарурлиги яқинда Тошкент юридик институти биринчи босқич талабалари билан бўлган учрашууда ҳам ўз ифодасини топди. Йигилганларга куйидаги савол билан мурожаат қилдик:

— Юқори лавозимни эгаллаб турган дўстингиз хизмат мансабини сунистъемол қиласа, ўз манфаатини умумидавлат манфатидан устун кўйса, сиз бўлажак ҳуқуқшунос сифатида уни бу йўлдан қайтара оласизми?

— Агар мен унинг хоҳлаган нарсасини қилишига тўсқинлик қиласа, унда қандай дўст бўламан...

Келажакда адолат учун хизмат қилишга бел бўлган йигитнинг бу сўзлари кишини ўйлантириб кўяди. Ҳуқуқшунослар орасида ҳозир ҳам шахс муносабатларни хизмат муносабатлари билан янглиширадиган кишилар топилади. Дарвоке, бундай ҳол факат ҳуқуқшунослардагина кузатилмайди.

Қўчлилигимизнинг яқинларимиздан бири қонунга зид иш қилиб кўйганда худди шундай йўл тутишга ҳаракат қилишимиз сир эмас. Ҳақми-ноҳқами унинг айбини енгиллаштириш учун елиб-югурамиз. Ваҳоланки бундан анча олдин — яқин қонунга зид иш тута бошлаган пайтда куончаклик қиласак, нур устига нур бўларди. Нотўғри йўлдан вақтида қайтарганимизда, кейинчалик уни деб уялишимизга тўғри келмасди. Эҳтимол бу билан танишимизни ташвищдан кутқариб қолардик.

Жамиятимиз янгилана бошлаган пайтда юртбошимиз энг мурракаб вазифа одамларнинг дунёкаршини ўзгартириш, деб таъкидлаган эдилар. Мамлакатимида жамият фаолиятининг барча соҳаларида ислоҳотлар муввафқияти амала оширилаётгани туфайли ҳалқимизнинг ҳаётга бўлган муносабати ва фикрлаши ўзгармоқда. Эндиликда уларни мустабид тузумга қайtarishi mumkin emas. Ular erkinalik xavosidan tuyib simirişdi, mustakil davlatda yashash naishidasidan baxramand bўlishdi, endi rivojlaniш iyllarini, takdirlariни belgilash ўz kўllariда.

Хар томонлама етук, қонунга итоаткор кишиларни тарбиялаш, уларни маънавий жиҳатдан шакллантириш ҳақида гап кетгандага аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш ҳамон долзарб бўлиб қолаётганини таъкидлаш зарур. Буни Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида ҳам таъкидладилар.


Кундалик ҳаётимиздаги барча ҳатти-ҳаракатларимиз мамлакатимиз қонунларидан четга чиқмаслигига эришишимиз зарур. Мустақил юртимиз буюк келажак сари нечогли тез одим ташласа, қонунга бўйсунувчи, қонун асосида иш кўрувчи фуқаролар ҳам шу даражада кўляверади.

## «ҚЎШНИНИГ ТИНЧ-СЕН ТИНЧ»

БИР ФИДОЙИ ИНСОННИНГ ЖАСОРАТИ  
ТУФАЙЛИ ИККИ БОЛАЖОННИНГ ҲАЁТИ  
САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Пскент тумани Бўстон қишлоғининг Ибн Сино кўчасидаги Б. Юсуповлар хонадонида-ёнгин содир бўлди. Хонадон ичига уч нафар болакай бор эди...

Уша куни кеч соат ўнлар атрофида оила аъзоларимиз билан ўтиргаи эдик, — деди биз бидан сұхбатда Б. Юсуповнинг кўшичиси, болаларниң ҳалоскори Зулфиқор Эргашев. — Қўшнимнинг етти ёшли катта ўғли олдимга чопиб келиб, уйларини олов қоллаганлигини, уй ичига укаси ва синглиси қолганлигини айтди. Зудлик билан болаларни күтқаришга шошилдим. Эшикни очганимда кулоқ тутун бирдан алсанга олиб кетди. Уй ичига эса қўшнимнинг олти ёшли ўғли ва иккиси яшар қизи тутидан димикиб, ҳолсизланиб ётариб. Биласизми, бунака пайтда ўз ҳаётингизни ўйламас экансиз. Ахир, қаршингизда болалар азобда қолган — болалинг эса бегонаси бўлмайди, тўғрими? Бунинг устига қўшнимнинг фарзандларини ҳам ўзимнинг болаларим билан тенг кўраман. Бир ниятим бор: олов домига дош бераб, ўзида иродада ва матонатни на-мойиш қила олган Зулфиқор аканинг жасурлиги туфайли болалар күтқариб қолинди ва ўз вақтида биринчи тибий ёрдам кўрсатиди. Ана шундай фидойи, виждан амрига кулоқ тутиб, инсонийлик бурчини шараф билан адо этувчи инсонларнинг



борлиги учун ҳам ҳаётимиз нурафшондир. Оловдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, болаларни қаровсиз қолдирмаслик, бепарво ва лоқайд бўлмаслик эса ҳар бир фуқаронинг тинч ва осуда ҳаёт кечиришида мухим омили эканлигини яна бир бор эслатиш бурчимиздир. Бир-биримизга бўлган меҳроқибатимиз ҳеч қаҷон йўқолмасин!

Максуда СУЛТОНОВА,

Тошкент вилояти ИИБ ёсб дёнб мұхандиси.

Суратда: болакай ўз ҳалоскори — З. Эргашев билан.

### Телефон орқали яхши йигитларимиз кўп!

18 май куни Кўйлиқ бозорида эдим. Сотувчи билан ҳисоб-китоб қилиб турган пайтимда ёшгина бир йигит тилла занжиримни юлқиб олдию қочиб кетди. Қичқирганимча орқасидан юргурдим. Шу ўринда бир нарсадан хурсанд бўлганим — бошқалар ҳам менга ёрдамга шошилиди. Улардан бирни савдо корхонаси ходими М. Исломов ва Бектемир тумани ИИБ участка вакили милиция капитани И. Маматов босқинчи-ўғрини ушлаб олдилар.

Менга ёрдам кўлини чўзган барча инсонларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Т. КИМ.  
Тошкент ш.

### ЖУРНАЛЛАРИМИЗНИНГ 4-СОНЛАРИ БОСМАДАН ЧИҚДИ

ОЙНАЙ ЖАҲОН TV 4 TV 20 КАНАЛ РТР ТВ НТВ та ЦЕНТР Аст УРАМ

### МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ «ҚОРАДОРИ-99» ТАДБИРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ноёнуний гиёҳвандлик экин пайкаллари ва наркотик моддаларни тарқатувчиларни билганлар исталган пайтда республика ИИБ ЖКБга куйидаги телефонлар орқали маълум қилишларини сўраймиз: Тошкент шаҳри учун — 133-24-64, бошка шаҳарликлар учун — код (371) 33-24-64.

**3**

### ДАДАЖОН, ГУНОҲИМ НЕ ЭДИ МЕНИНГ?

### ЦИКЛОКРОССВОРД 12

### БОЙЛИК ҲАҶИДА ҲИҚМАТ

Бир кемада савдогар билан олим сўзид боришаради. Савдогар бой бўлиб, олимда ҳеч вако йўқ, эди. Денгизда бўрон туриб, кема ҳалокатга учради. Факат савдогар билан олимгина тирик колдилар. Улар бир ходага тирмашиб олишибди ва тўлкин уларни қирғоқка чиқарип ташлади. Шунда савдогар олимнинг ғам че-кайттанини кўриб деди:

— Сен нимага куонаяспсан? Бойлигидан ахраган мен, сенини ўзинг билан-ку...

# ТҮРТ ОЁҚАИ ОТ ҲАМ ЖОҚИЛАДИ

Миллатнинг ҳам ўзига хос фазилату нұқсонлари бўлади. Агарки миллат ўз кусурларидан кутулишга, ўз фазилатларини ортиришга интилса, илло у камол топгайдир. Бунда ҳеч шубҳасиз миллат раҳнамосининг ўрни бекиёс.

Президентимиз ҳар доим таниш-билишчилик, ошно-офайнагарчилик, порахурлик, манфаатпасталик, маҳаллийчиллик каби иллатларни аёвсиз қоралаб, айниқса раҳбар ходим булардан узоқ бўлиши лозимлигини таъкидлаб келадилар. Йўлбошчимизниг аждодларимизга, ўтмиш маданиятимизга кўрсатётган хурмат-эҳтироми барчамиз учун ўрнақдир. Яқинда Президентимиз миллатимизга хос яна бир асл фазилат намоён этдилар — қанчалик кечирмии эканликларини кўрсатдилар. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан матбуотда эълон қилинган амнистия ҳақидаги фармон бунинг исботидир. Мустакилликка эришганимиздан бўён 9 марта амнистия эълон қилинди, лекин бунақаси ҳали бўлмаганди.

Фармонга мувофиқ қарийб барча Иккичи жаҳон уруши қатнашчилари, уларга тенглаштирилган-

лар, Чернобил АЭС аварияси оқибатларини тугастишга қатнашганлар жазодан озод этиладилар. Ёши 60 дан ошган эркаклар, вояга етмасдан жиноят қилинганлар ва иккинни гурӯх ногиронларининг ҳам аксарияти озодликка чиқадилар.

Айниқса, аёлларга катта муруват кўрсатилди. Билиб-бilmай жиноят қўчасига кирган опа-сингилларимизнинг аксари озод бўлди. Шу ўринда аёлнинг жиноятга кўл уришига авваламбор эркак айборлигини таъкидлариди. Куръони Каримда ҳам эркаклар аёлларнинг раҳбари эканлиги айтилган-ку. Бугунда боши эгик опа-сингилларимизнинг эрлари, оталари, ака-укалари, борингик қавм-қариндошлири йўқмиди? Нега уларни бу йўлдан қайтишишади?

Озодликдан уч йилгача маҳрум этилган фукаролар, шунингдек эҳтиётсизлик орқасидан беш йилга-

муҳлат берилган. Ички ишлар вазири мувовини ички хизмат полковниги Р. К. Қодиров бу тадбирга жазони ижро этиш муассасаларининг энг малакали ҳодимларини жалб қилиш бўйича кўрсатма берди. У муассаса раҳбарларига фармон ижросига виждан ёндашиш, тўрачилик, сансалорлик, таъмагирлик, таниш-билишчилик, адолатсизликка йўл кўйимаслик кераклигини, акс ҳолда бўндай ҳодимлар нафакат хизматдан бўшатилишини, балки, жиноят жавобгарликка ҳам тортилишини таъкидлadi. Амнистияга тушмайдиган ҳар бир маҳбус билан сұхбат ўтказиб, бунинг сабабини тушунтириш зарурлигини уқтириб ўтилди.

Олий суд раиси мувовини X. M. Усмонов ҳужжатларни расмийлаширишда конун доирасида маҳбусга ён босиш дозим, деди. Масалан, маҳбус биринчи бор сабик иттифоқ даврида судланган, ҳозирги қонунчиликка кўра мазкур ҳолат жиноят ҳисобланмайди. Демак, маҳбус мукаддам судламаган ҳисобланади.

Иқтисод, сиёсат эркинлашириялти. Бу амнистия эркинлашириш жазони ижро этиш жараёнига ҳам кириб келаётганини кўрсатти. Семинар-кенгашда Олий суд раиси мувовини ҳозирда Жиноят кодексини ҳам либераллашириш (жазони енгилатиш) устида ишланаётганини айтди. Демак, яқин

мехнати томонидан чукур ўйлаб, қабул қилинган қарорни бажарилиши учун аввалидан зарур мөъри-хукукий ва моддий ба-за яратиб олинишини яна бир бор исботлайди.

Мустақил, сиёсат эркинлашириялти. Бу амнистия эркинлашириш жазони ижро этиш жараёнига ҳам кириб келаётганини кўрсатти. Семинар-кенгашда Олий суд раиси мувовини ҳозирда Жиноят кодексини ҳам либераллашириш (жазони енгилатиш) устида ишланаётганини айтди. Демак, яқин

келажақда судьялар ҳаётининг барча пасту баландини хисобга олиб янада адолатлироқ ҳукм чиқариш имконига эга бўлдилар.

Вазир мувовини тегиши мусассаса раҳбарлари биринчи галда болалар ва аёлларни озодликка чиқариш бўйича кўрсатма берди. Бу фармонни тўла-тўқис ижро этиш барча жазони ижро этиш муассасалари ҳодимлари, судпрокуратура идоралари учун ўзига хос имтиҳон.

Бу катта ишнинг бошланиши, холос. Ҳадемай сабиқ маҳбуслар оиласари бағрига қайта бошлайдилар. Президентимиз бағрикентлик билан уларнинг гуноҳидан ўтдилар, жойлардаги жабрдидалар ҳам ўтишин, гина-кудратни унтишсин. Шу ўринда бир ҳикоят келтирай. Қадимда бир бой бўлган экан. Унинг феъли кўп оғир экану, ягона фазилати — ниҳоятда кечиримли экан. Қарздорларнинг қарзини кечиб кетаверар экан. Вакти қазоси етиб, гуноҳу сабобларни ўлчаш пайти Оллоҳ таоло: — «Мен кечиша ундан устунман, барча гуноҳларини кечдим», — деб марҳамат қилган экандар. Келинг, биродарлар, юртбошимиздан ўрнак олайлик, зора биз ҳам Яратганинг марҳаматига ноил бўлсак.

Маҳаллақўм бувалар, участкавой амакилар, олдиндан тайёрланинг, аввалинг барни очиқ юз, ширин сўз билан кутиб олинг. Кейин уларга бир-

иқки ойлик тириклиги учун моддий ёрдам уюштиринг. Ҳоким бувалар, сизнинг кўлингиз янаям узунрок. Биринчи галда уларни ишга жойлаширишни ўлаш керак. Балки, бирор ходимингизни шу масалага мутасадди килиб тайинларсиз. Чунки ишсиз одам оиласини қандай боқсан. «Оч баччагардан коч, баччагар — дейишиди. Жойлардаги диний уламоларимиз адашган ака-укаларимизни бундан бўён тўғри йўлга солишдек савобли ишдан четда қолмасалар. Ишбилармому тадбиркор акалар, топармон-тутармон амалдор амакилар, сизларга ҳам кўп нарса боғлиқ. Нече йиллик маҳбуслиқдан чиқкан, лекин буғунги югурик замонда тез ўз йўлни топиб кетиши қийин бўлган маҳалладошингизни қўллаб-кўлтикланд. Ё ўз қанотингиз остига оларсиз, ёки бирор танишнинг орқали иш топиб берарсиз. Балки ўзлари бирор иш бошлаши учун сармоя бераб туарсиз. Ўзингиз йўланг, баъзан шунчаки тушлигинизга айрим маҳалладошларингизнинг маошича пул сарфларсиз. Тўғри, пул сизники, лекин савоб ҳам керак-ку. Қавм-қариндошлар, қўни-қўшилар, сизлар ҳам ёрдамингизни, хеч бўлмагандага ширин сўзингизни аяманг. Президентимиз сизу бизга ишониб уларнинг гуноҳидан ўтди. Бу ёғи ҳаммамизга, ҳар биримизга боғлиқ — биримиз ака дейлик, биримиз ука дейлик, ёлғизлатмайлик уларни. Ахир битта ҳалқимиз-ку — Ўзбекистон ҳалқимиз-ку. Келинг, бу тўрт кунлик дунёда савоб иш қилишга шошилайлик.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

ри билан алоқаси узилиб қолган, айримлари уйжойга эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Булардан ташқари, улар орасида турли хил касалликларга чалинган, тиббий ёрдамга ҳуқуқларни ҳам бор.

Бир сўз билан айтганда, муаммолар кўп ва улар ҳал этилиши керак. Уларни ҳал этишда, шунингдек, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш ва кенг жамоатчиликнинг ўрни мухимдир. Чунки, жазони ўташ жойларидан қайтган кишилар бизнинг мустақил мамлакатимиз фуқароларидир, биз билан бирга, бизнинг мададимизга суюниб, XXI асрга умид кўзи билан боксаётган Ўзбекистоннинг келажагини яратишда қатнашиш учун, давлатимиз томонидан жамиятимизга қайтишшади.

Буни Президентимизнинг «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ жазодан озод этилганлар тушнишларни керак. Ватан факат уларнинг содир этган жиноятларини кечирди деб эмас, шунингдек, ўз мамлакатининг қонунга итоат этувчи муносиб киши бўлишига яна бир имконият яратиб берди, оғир кечинмалар даврига қарамай, уларга ана шу имкониятларни амалга ошириш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатти. Бундай инсонпарварлик ҳамма давлатларда ҳам бўлавермайди.

## ИНСОНПАРVARЛИК ТИМСОЛИ

нафакат жазони ўташдан озод қилиш ҳақида, шунингдек, унинг муддатини қисқартириш, енгилроқ жазолар назарда тутилган, жазолар юзасидан олиб борилаётган теров ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилиши қоидлари белгиланган.

Фармонда белгиланган бу ва бошқа чоралар, олижаноб ҳужжатининг эълон этилиши билан давлатимиз судланганларни одатдаги, соғлом ҳаётга қайтириш билан бирга, улардан кишилик жамиятининг қоидлари бўйича яшашига ҳаракат қилиш, уларга инсонпарварлик кўрсатган мамлакат қонунларига бўйсуниб яшашига интилиши кутмоқан.

Президент Фармониниң ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида гапириб, ҳуқуқ доирасидаги ташкилот ва идоралар Вазирлар Махкамасининг тегиши хужжатлари асосида аввалидан озод этилишини таъмин этишишини бошлаб юбордилар. Бу эса, мамлакатимиз раҳба-

рияти томонидан чукур ўйлаб, қабул қилинган қарорни бажарилиши учун аввалидан зарур мөъри-хукукий ва моддий ба-за яратиб олинишини яна бир бор исботлайди.

Мустақил, сиёсат эркинлашириялти. Бу амнистия эркинлашириш жазони ижро этиш жараёнига ҳам кириб келаётганини кўрсатти. Семинар-кенгашда Олий суд раиси мувовини ҳозирда Жиноят кодексини ҳам либераллашириш (жазони енгилатиш) устида ишланаётганини айтди. Демак, яқин

Бу марказларга шу шахсларнинг иш билан таъминланиши, майший жойлашишига кўмак берниш, моддий ёрдам бериш билан чекланиб қолмасдан, уларни бепул билим олишлари, турли касб эгаллашлари, ишга жойлашиши, ача шу мақсадда ҳар хил кичик корхона, цехлар очиши ёрдам беришлари, кишилек жойларда эса имкони борича қишлоқ ҳужалик билан шуғулланиш учун ер ажратиб беришни ташкил этиши зарур.

Албатта, бу ишда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон этилиши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги. Фармонини ҳалқимиз чукур тушунган ҳолда ва қўллаб-куватлаб кутиб олди.

Сир эмас, давлатимиз томонидан қўйилган бу қадмни жазони ўтиш жойларидаги маҳкумлар тезрок ўғли, отаси, ака-укалари бағрига қайтишини орзикаб кутишганди.

Бу инсонпарварлик ҳужжати Республика үзининг ҳар бир фуқароси, ҳатто атайлаб жиноят содир этган ва ҳақоний суд томонидан озодлиқдан маҳрум этилганлар ҳақида ҳам қайтуришининг яққол да-лиидир.

Бу Фармон туфайли, яқин вақтларда озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодлиқдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган кишилар жазолардан озод этиладилар. Улар каторида Иккичи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобил АЭСидаги ҳалқолат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этганлар, аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар, вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар, биринчи ва иккичи гурӯх ногиронлари, амнистия

# ЎІГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Май — фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг ёнг сўлим ойи. Куёш тафтадан қизиган, илиқ кўклам ёмғиридан кўпчиган замин гулга, чаманга бурканади. Айниқса тоф бағлари. Агар қанотингиз бўлиб, қушлар янглиф парвоз қилганингизда, тоғлар бағрини қоплаган чаманзорлар орасида у ер-бу ерда ям-яшил «доғлар»га кўзингиз тушган бўларди. Буар миришкор кўллар экиб-тиккан, парвариш қилган кўкнор пайкаллари. Бундай «хунармандлар»га қарши ҳар йили кенг миқёсда «Корадори» тезкор-қидирув тадбирлари мажмуи ўтказилади.

Операцияни республика ички ишлар идоралари барча манбаатдор давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда ўтказади.

Республика ИИВ ЖҚББ гиёхвандлик тадбирлар мажмуини республика ИИВ назорат қиласи, мувофиқлаштиради, зарур ҳолларда куч ва воситалар тақсимотига ўзгартишлар киритади.

Пухта режа асосида тайёргарлик кўриш самарадорлик ғаровидир. Шунинг учун олдиндан мавжуд куч ва воситалар тақсимланди, жалб этиладиган хизматлар олдига аник вазифалар қўйилди.

Жойларда гиёхвандлик экин пайкалларини аниглаш, ўқотиш, наркотикларни ташувчи ва тарқатувчиларга қарши курашиш учун тезкор-қидирув гурухлари тузилди.

Етарли миқдорда автouselвлар, радиостанциялар, турли маҳсус техникалар ажратилди. Шу кунларда гиёхvандлик моддаларини ташиб эҳтимоли кўп бўлган йўналишларда қўшимча ДАН постлари, йирик автовокзалларда, темир йўл вокзаларида, аэропортларда муҳофаза гурухлари ташкил этиляпти. Операция тадбирларини ўтка-

зишда маҳаллий ҳокимият, агросаноат корхоналари, соғлиқни сақлашмуассасалари вакиллари ҳар томонлама ёрдам беришти.

Тадбирларда гиёхvандлик моддаларини излашга ўргатилган итлар хизматидан кенг фойдаланиляпти. Йилдан-йилга улар ёрдамида топилаётган наркотиклар микдори ортятти.

Тўпланган тажриба тадбирларда вертолётларда фойдаланиш яхши самара беришини кўрсатти. Улар бутун республика худудини назорат қилиш, исталган нуқтага зарур воситалар билан таъминланган гурухларни етказиш имконини беряпти. Ҳатто тоф қияликларида етиштирилаётган заҳриқотил пайкалларини ўқотиш мумкин бўляпти.

Кўпқатламли, мурракаб тадбирлар мажмуини республика ИИВ назорат қиласи, мувофиқлаштиради, зарур ҳолларда куч ва воситалар тақсимотига ўзгартишлар киритади.

«Корадори» операцияси асосий вазифалари наркотикларни ноконуний етиштириши туғатиш ва уларнинг тарқалишининг барча ўлларини бекитишдан иборат. Бу ишда ҳам қатнашчиларнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги муҳимдир. Бунда маҳаллий ҳокимият, жамоатчилик, ҳўжалик раҳбарлари назарда тутиляпти.

Айниқса ҳўжалик раҳбарларига кўп нарса боғлиқ. Чунки экин майдонларидан фойдаланишини назорат қилиш уларга юланган-ку. Ҳар қандай эҳтиётсизликдан ҳам яшил оғу миришкорлари усталик билан фойдаланишиди. Масалан, экинзорлар орасида ёввойи наша пайкаллари учраб туради.

Шу кунларда, йирик наркотик моддалар партияси мусодара қилинди. Сурхондарё вилояти Узун тумани Ж. Пирназаров номли ҳўжаликда маҳаллий фуқаролар Зайнитдин М., Абдулла Х., Нортожи А. ва Тожикистан Республикаси фуқароси Абдуғаффор Б. 810 грамм геронини 6000 АҚШ долларида пуллашга уриниш чоғида кўлга олиндилар.

Кумкўрғон туманида милиция ходимлари текшириш мақсадида КамАЗ

майнинг дастлабки ўн кунида умумий майдони 1 гектардан ошик бўлган 124 гиёхvандлик экинлари пайкали, шунингдек 0,3 гектар ёввойи нашазор йўқ қилинди. Захриқотил экувчи 113 киши ушланди, 7 килограммдан ортиқ турли наркотик моддалар мусодара қилинди.

Кўйида операцияниг илк босқичига хос айрим

фактларни келтирамиз. Сурхондарё вилояти Денин тумани фуқароси Ортиқ У. томорқасининг 70 квадрат метрига кўкнор эккан. Янгийўл туманида яшовчи Маҳаматкарим А. ҳам шунча жойда кўкнор етиширишга қарор килган. Шу туман фуқароси Шарофат Х. ҳам 42 квадрат метр жойга заҳриқотил эккан. Кўриб турганингиздек, бу «иш»га аёллар ҳам ўз «хисса»сини кўшишаётганини таассуф билан қайд этишга тўғри келади.

Сурхондарё вилоятидаги айрим «азаматлар»нинг «ғайрат-шижоат»ига қаранг. Узун туманидан Абдумурод Ж. 1000 квадрат метрга кўкнор эккан бўлса, унинг Бобур номли ҳўжаликда яшовчи тумандоши буғдойзор ўртасида 8000 квадрат метрлик кўкнорзор барпо қилиби. Бу яшил оғунинг кайфини сурғанлар қандай томоша кўрсатиши мумкинлигини тасаввур қилаверинг. Юқорида саналган барча кўкнорзорлар йўқ қилинди.

Шу кунларда, йирик наркотик моддалар партияси мусодара қилинди. Сурхондарё вилояти Узун тумани Ж. Пирназаров номли ҳўжаликда маҳаллий фуқаролар Зайнитдин М., Абдулла Х., Нортожи А. ва Тожикистан Республикаси фуқароси Абдуғаффор Б. 810 грамм геронини 6000 АҚШ долларида пуллашга уриниш чоғида кўлга олиндилар.

Кумкўрғон туманида милиция ходимлари текшириш мақсадида КамАЗ

**Ноконуний гиёхvандлик экин пайкаллари ва наркотик моддаларни тарқатувчиларни билганлар исталган пайтда республика ИИВ ЖҚББга куйидаги телефонлар орқали маълум қилишларини сўраймиз. Тошкент шаҳри учун — 133-24-64, бошқа шаҳарларликлар учун — код (371) 33-24-64.**

метр жойда кўкнор ўстираётганини аниқлашиб, ички ишлар ходимлари томонидан йўқ қилинди.

Жиззах тумани X. Олимжон номли жамоа ҳўжалигига истиқомат килувчи нафақадор Саида Умарова ҳам ховлисининг 1 квадрат метр жойида 50 туп заҳриқотил ўстираётганини фош қилинди.

Шу тумандаги Ў. Ҳатамов номли жамоа ҳўжалигига истиқомат килувчи нафақадор Анатолий Краснова тегиши ҳовлини туманинг эса 24 квадрат метр жойда «дехқончилик»

Зоминлик посонлар



автомашинасини тўхтатдилар. Ҳайдовчи аввалига хотиржам эди, лекин ёқилғи баки текширилаётгандан безовталана бошлади. Бежиз эмас экан.— бакдан 17 килограмм 502 грамм опий топилди. Ҳайдовчи Ботир С. ташувчи бўлиб, «юк» эгалари самарқандлик Шуҳрат К. ва қорақалпогистонлик Ражаб Р. экан.

Бу тезкор маълумотларнинг бир қисми, холос. Уларда героин тезз зикр этиляпти.

«Корадори» операцияси асосий вазифалари наркотикларни ноконунний етишириши туғатиш ва уларнинг тарқалишининг барча ўлларини бекитишдан иборат. Бу ишда ҳам қатнашчиларнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги муҳимдир. Бунда маҳаллий ҳокимият, жамоатчилик, ҳўжалик раҳбарлари назарда тутиляпти. Айниқса ҳўжалик раҳбарларига кўп нарса боғлиқ. Чунки экин майдонларидан фойдаланишини назорат қилиш уларга юланган-ку. Ҳар қандай эҳтиётсизликдан ҳам яшил оғу миришкорлари усталик билан фойдаланишиди. Масалан, экинзорлар орасида ёввойи наша пайкаллари учраб туради.

«Корадори» операцияси авжга чиқяпти; шу кунларда наркотикларнинг ноконунний айланишига қарши кураш бўлинмалари ходимлари ва ички ишлар оғуларининг бошқа хизматлари ягона мақсад йўлида — наркотикларнинг тарқалишига бутунлай чек кўйиш учун бутун куч ва фойратларини ишга соляптилар.

## Ўз мухбиришимиз.

ПРЕЗИДЕНТ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

# ДАН хизматини юқори даражага кўтарайлик

Фарона вилояти Ички ишлар бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринbosари милиция генерал-майори Б. Парниев иштирокида Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис 1-чақириқ 14 сессиясидаги нутқларида кўйган вазифаларга багишланган тезкор йигилиш бўлиб ўтди. Йигилишда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАНБ бошлиғи, милиция полковниги Ш. Тешабеков, Фарона вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Б. Сиддиков, Бошқарма бошлиғининг мувонни милиция подполковниги А. Абдуллаев, Бошқарма шахсий таркиб бўйича инспекциясининг катта тезкор вакили милиция подполковниги А. Кенжав, Фарона вилояти ИИБ ДАН бошлиғи милиция полковниги Г. Чирков ва унинг ўринbosарлари, шаҳар ва туманлар ИИБ бошлиқларининг хизмат ҳамда шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринbosарлари, вилоят ИИБ ДАН бошлиқлари ва йўл-патруль хизмати инспекторлари иштирок этдилар.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринbosари, милиция генерал-майори Б. Парниев маъруза қилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида кўйган вазифалари тўғрисида ҳамда ўтган давр мобайнида Давлат автомобиль назорати тизимини такомиллашириш, фаолиятимизни белгиловчи меъёрий хужжатларни қайта ишлаб чиқиш ва уларни амалга татбиқ этиш, йиллар давомида шаклланган, энди замон талабига жавоб бермай қолган иш услубини тубдан ислоҳ қилиш, шахсий таркибни янгича фикрлашга ва ишлашга ўргатиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаётганилигини, Давлат автомобиль назорати шахсий таркибининг ички ишлар идоралари бошқа хизматлари ходимлари ва кенг жамоатчилик билан биргаликда йўл-транспорт ходисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш ҳавфисизлигини таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга ошираётганилигини гапириб ўтди.

Лекин шунча қилинган ишларга қарамасдан камчиллар ҳам мавжудлиги, кейинги вақтларда раҳбарлар томонидан ходимлар билан якка тартибда ишлаш, уларнинг билим савиясини ошириш, қонунчиликга риоя қилиш борасида етарлича иш олиб борилмаётганилиги сабабли ходимлар билан ўртасида қонунбазарликларга йўл қўйилаётганилиги ИИБ раҳбариятини ташвишлантираётганилигини айтиб, шундай кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олиш борасида хуфёна ва ошкора текширувлар ўтказилганлигига қарамасдан, аниқланган камчиликлар юзасидан ходимларга нисбатан енгил интизомий чоралар кўрилиб келинаётганилиги оқибатда.

Шунингдек, йигилишда ходимларни жой-жойига қўйиши ҳашлаш, жумладан маъмурӣ амалиёт инспектори лавозимига тажрибали, хизмат стажи З йилдан кам бўлмаган, хуқуқий маълумотга эга бўлган ходимларни тайинлаш кераклиги, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1996 йил 18 сентябрдаги 240-сонли бўйруғи талаблари тўлиқ бажарилиши лозимлиги ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 ноябрдаги Карори бўйича ДАН сафларини тозалаш кераклиги айтиб ўтилди.

Ходимлар томонидан йўл-транспорт ходисаларининг олдини олиш, йўлларда ҳаракатланиш ҳавфисизлигини таъминлаш, ЙТХларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ишларида сусткашлика йўл қўйилаётганилигини, бунинг оқибатида эса вилоят худудида йўл-транспорт ходисаларинийг сони 18 фоизга, ҳалок бўлганларнинг сони 58 фоизга, тан жароҳат олганларнинг сони эса 13 фоизга ошаганилиги қайд этилди.

Кейинги вақтларда йўл шароити ёмонлиги оқибатида содир бўлган ЙТХлари юзасидан тўпланган материалар асосида мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмаётганилиги кўрсатилди.

Эгаси кўчиб кетган, ўзи йўқ бўлиб кетган транспорт воситаларини аниқлаб, хисобдан чиқариш, транспорт воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказишга эътиборни янада кучайтириш, бу борада милициянинг бошқа хизмат соҳалари ходимларини, айниқса участка вакилларини ҳам жалб қилиш кераклиги айтилди.

Йигилишда ходимлар ўртасида таъмагирлик, порхўрлик ва қонунбазарлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалга оширган ишлари бўйича Фарона (Е. Саримсоқов), Кўқон (А. Эсонов) ва Марғилон (К. Максудов) шаҳарлари, Данғара (А. Қодиров), Бешарик (М. Худойбердиев) туманлари ИИБ бошлиқларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринbosарларнинг хисоблари тингланди.

Йигилиш сўнгига вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Б. Сиддиков ва вилоят ИИБ ДАН бошлиғи, милиция полковниги Г. Чирков ходимлар томонидан йўл қўйилаётгандан камчиликлар ва уларни бартараф қилиш юзасидан маърузӣ қилдилар.

Йигилишда кун тартибидаги масала ва текширувда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан төғишили қарор қабул қилинди.

М. КИМСАНБОЕВ.

# ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Вилоят ИИБ ва унинг жойлардаги йдоралари жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш борасида тегишли чора-тадбирлар белгилаб, уларни амалга ошириб келмоқдалар. Вилоят аҳолисининг осойишталигини таъминлаш, вазиятни барқарор сақлаб туриш ходимларимизнинг асосий вазифасидир.

Кейинги пайтларда вилоятимиз худудида диний-экстремистик оқимларга мансуб шахслар томонидан кўпопривчилик ҳаракатлари содир этилишининг олдини олиш, курол-яроф, портловчи моддалар, тақиқланган диний адабиётлар олиб келинишига йўл кўймаслик мақсадида ўтказилган тезкор ва профилактик тадбирлар ўз натижасини берди. Ходимларимиз «Ваҳобий», «Хизбут-тахрир» оқимларига мойил деб гумон қилинган 80дан ортиқ фуқаронинг хонадонида тинтуб ўтказдилар. 263 дона ўқ-дори, 57 кг портловчи модда, 5 дона ўқотар куроли, 487та тақиқланган диний китоб, 2250та диний журнал ва варақа, 7,9 гр. гиёхвандлик моддаси

топилди. Шу ҳолатлар бўйича 10 киши жиноий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, диний ақидапарастликка муккасидан кетган 40 нафар фуқарога нисбатан маъмурий жазо чорала-ри кўрилди.

Вилоят миқёсида «Назорат», «Тозалаш», «Арсенал», «Тун», «Паспорт» тадбирлари ўтказилди. Эришилган натижалар ижобий. Рақамларга муружаат қиласли. Вилоят бўйича рўйхатга олинган умумий жиноятлар сони 1998 йилнинг шу даврига нисбатан 20тага ёки 2,6 фоизга камайди, уларнинг фош этилиши 91,8 фоизни ташкил этди ёки 0,3 фоизга яхшиланди. Ўгрилик жиноятлари 12тага, босқинчилек 1тага, безорлик 8тага, автоуловларни олиб қочиш 2тага камайди.

Бу йил профилактик тадбирлар самарали бўлди. Илгари судланганлар томонидан содир этилган жиноятлар 45тага, вояга етмаганлар 22тага, ишламайдиган шахслар содир этган жиноятлар 52тага камайшига эришилди. Жамоат жойларида жиноят содир этиши қескин

камайди. Жорий йилниг ўтган даври мобайнида 1300дан ортиқ киши профилактик ҳисобга олинид.

Яна бир қуонарли факт — вилоят худудида ўтказилган барча оммавий тадбирларда осойишталик таъминланди.

Халқимизда «Ўқланмаган курол ҳам йилда бир марта отилади» деган нақл бор. Шунинг учун фуқароларимиз ўқотар куролларга қонунга мувофиқ эгалик қилишларини мунтазам назорат қилиб турамиз. Чунончи, бу йил файриконуний равища сақланаётган 47 дона ўқотар курол мусодара қилинди. Олиб борилган тушунтириш ишлари туфайли 36.киши ноқонуний сақлаётган куролларини ўз ихтиёлари билан ички ишлар идораларига топширидилар.

Хизматни ташкил этишда айрим камчилликларга йўл қўйилганлиги туфайли зўрлабномустга тегиш, талончиллик каби жиноят турлари, фожиали йўл-транспорти ҳодисалари бироз кўпайди. Ахволни ҳар томонлами чукур таҳлил этиб, камчилликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгила-

дик.

Олдимида юқорида саналған йўналишлар бўйича саъй-ҳаракатни бўшаширмаган ҳолда «Хосил-99», «Қорадори-99» каби тадбирларни ўтказиш вазифаси туриди.

Барча ишнинг муваффақияти кадрлар малакасига, маънавий даражасига боғлиқлигини яхши тушунган бошқармамиз раҳбарияти турли хизмат ходимлари билан ўтказиладиган ўкув семинарларига алоҳида ёътибор беряпти. Шу кунларда участка вакиллари 4 босқичда малака оширишяпти, ўзаро тажриба алмашияпти, уларнинг фаолиятини чукур таҳлил қилиб, тегишил йўл-йўрик, кўрсатмалар беяпмиз. Бошқа хизмат ходимлари малакасини ошириш жадвали ҳам тузилган. Вақти-вақти билан ходимларимизни шаҳодатлаб турибмиз. Мақсадимиз эл-юрт осойишталики таъминлашдек масъияти вазифани доимо муваффақият билан адо этиши.

**К.РАҲМАТОВ,  
Навоий вилояти ИИБ  
бошлиғи мувонини,  
милиция  
подполковниги.**

Тошкент давлат универсал дўкони қаршисида турган эдим, кутилмаганда рўпарадаги тўқиз қаватъ бинога осма наровон орқали чиқиб кетаётган ёнгининг олдини олиш кийимидағи йигитта кўзим тушди. У олов пуркалиб турган дераза томон шашт билан борарди.

## АКА-УКА ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР

— Бу оловқалб йигитларнинг олаётган маоши ҳалол, — деди ёнимда турган киши. — Қаранг, ўкув машгулотининг ўзи қанчалик мураккаб.

Офат билан кўкрак кериб олишатган инсонлар хақида ўйлаганимда кўз олдимга ўт ўчирувчилик касбини танлаган Баҳром, Ботир ва Баҳодир Юнусовлар келади. Ҳар бир касбнинг ўз машақати-ю кувончлари бўлади. Айниқса, ўт ўчирувчиларга қийин, улар ҳар қадамда қийинчиликка дуч келишади.

Ёш Баҳром бу машақатларни яхши биларди. Билатуриб шу касбни танлади. Алмати шаҳридаги ўт ўчирувчилар билим юртига ўқишга кирди. Кўп ўтмай ўқишини битириб, Тошкентга келди. Қоровул бошлиғи, кичик назоратчи ва назоратчи бўлиб ишлади. Кейинчалик команда бошлиғи ўринбосари бўлди. Шу орада у Ёнгиндан сақлаш олий мактабини сиртдан битириди.

Кейинги пайтда пойтахтнинг Акмал Икромов туманида ёнгин содир бўлиш ҳолатлари анча камайди. Сабаби, 8-Ёнгиндан сақлаш ХЕСБ бошлиғи, ички хизмат подполковниги Баҳром Юнусов раҳбарлигига кўп қаватли ўйлар, билим юртлари, муассаса ва идораларда кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

— Ёнгин кутилмаган баҳтсизлик. Унга лоқайдлик билан қараш эса нодонлиқдир, — деди Баҳром Юнусов.

Ҳозирда укалари ҳам ака изидан бориб, моҳир ўт ўчирувчи бўлиб етишмоқдалар. Ботир Юнусов Яқкасарой тумани 4-ХЕСБ қисмидаги қоровул бошлиғи, ички хизмат капитанни, Баҳодир эса Юнусобод туманидаги 16-ҳарбийлашган ўт ўчириш қисмидаги кичик нозир бўлиб ишламоқда.

**Турғун ЖЎРАЕВ.**



## РЕЖАЛАРИ БИР ДУНЁ

фаолиятидаги оқсан ҳам бунга туртки бўлди.

